

Ўзбекистон Республикаси
Адлия вазирлигида
2016 йил “22” февралда
сон билан
**“ҚАЙТА РЎЙХАТДАН
ЎТКАЗИЛДИ”**

“Светлица Польшка” поляк
маданий маркази
умумий мажлисининг
2016 йил “20” январдаги
қарори билан
“ТАСДИҚЛАНГАН”

**“СВЕТЛИЦА ПОЛЬСКА”
ЎЗБЕКИСТОН ПОЛЯК МАДАНИЙ МАРКАЗИ**

УСТАВИ

(янги тахрирда)

Тошкент – 2016 йил

1. Умумий қоидалар.

1.1. “Светлица Польска” Ўзбекистон поляк маданий маркази (кейинги ўринларда ЎПММ деб аталади) поляк миллатига ва бошқа миллатларга мансуб фуқароларни бирлаштирган, Ўзбекистонда поляк миллий маданияти, тили, одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш; миллий-маданий, таълим ва бошқа маънавий эҳтиёжларни қондиришга кўмаклашиш, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига ва халқаро алоқаларни мустаҳкамлашга қаратилган хайрия ва бошқа ижтимоий-фойдали фаолиятни амалга ошириш мақсадида тузилган ташкилий-ҳуқуқий шакли жамоат бирлашмаси булган нодавлат ноижорат ташкилотдир.

1.2. Ўз аъзоларининг ихтиёрийлиги ва тенг ҳуқуқлилиги, қонунийлик, ошкоралик, ўзини ўзи бошқариш ва ўзини ўзи молиялаш ЎПММнинг принципларидир.

1.3. Ўз фаолиятини амалга оширишда ЎПММ Ўзбекистон Республикаси Конституцияси, “Ўзбекистон Республикасида жамоат бирлашмалари тўғрисидаги” ва “Нодавлат ноижорат ташкилотлари тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси қонунлари, бошқа қонун ҳужжатлари ва мазкур Уставга амал қилади.

1.4. Ўз фаолиятини амалга ошириш учун ЎПММ мустақил бюджети, миллий сўм ва валюта ҳисоб рақамларига, думалоқ муҳр, штамплар ва бланklar ва бошқа зарур реквизитларга эга бўлиши мумкин.

1.5. ЎПММ ўз рамзи, вимпели ва бошқа реквизитларга эга бўлиши мумкин. ЎПММ рамзлари белгиланган тартибда Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилади.

1.6. ЎПММ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида давлат рўйхатидан ўтказилган пайдан бошлаб юридик шахс ҳуқуқларига эга бўлади.

1.7. ЎПММ доимий фаолия юритувчи раҳбар органи жойлашган жой (почта манзили): Ўзбекистон, 100015, Тошкент шаҳри, Афросиёб кўчаси, 8/1-уй.

1.8. ЎПММ ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида амалга оширади.

1.9. Ташкилотнинг расмий номи:

Давлат тилида: “Светлица Польска” Ўзбекистон поляк маданий маркази;

рус тилида: Польский культурный центр Узбекистана «Светлица Польска»;

поляк тилида: Centrum Kultury Polskiej w Uzbekistanie «Świetlica Polska».

2. ЎПММнинг мақсади ва вазифалари.

2.1. “Светлица Польска” Ўзбекистон поляк маданий маркази мақсади куйидагилардир:

Ўзбекистон Республикасида яшовчи ҳар хил миллатлар ва элатлар вакиллари ўртасида фуқаролик тотувлиги, ҳамжиҳатлик ва дўстликнинг мустаҳкамланишига кўмаклашиш;

миллатлараро алоқаларнинг турли жиҳатларининг ривожлантириш ва мустаҳкамлаш, ўзаро ҳамкорлик ва ўзбек ва поляк миллий маданиятларининг ўзаро бир-бирини бойитишларига кўмаклашиш;

мамлакатда демократик ислохотлар ривожланишига, фуқароларнинг ижтимоий фаоллигининг ўсишига, фуқаролик жамияти институтларининг такомиллашишига, толерантликнинг чуқурлашишига, мамлакатда тинчлик ва миллатлараро тотувликнинг мустаҳкамланишига кўмаклашиш;

Ўзбекистонда поляк миллий маданияти, тили, одатлари, анъаналарини сақлаб қолиш ва ривожлантириш; поляк миллатига мансуб фуқароларнинг миллий-маданий, таълим ва бошқа маънавий эҳтиёжларини қондиришга кўмаклашиш, Ўзбекистоннинг гуллаб-яшнашига қаратилган хайрия ва бошқа ижтимоий-фойдали фаолиятни амалга ошириш;

қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда тегишли ташкилотлар билан келишган ҳолда Ўзбекистон Республикаси ва хорижий давлатлар ҳудудида фаолият юритаётган турли маданият марказлари, маданият ва таълим жамиятлари, муассасалари ва ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш;

ёшларни ва ўсиб келаётган авлодни ватанпарварлик ва инсонпарварлик руҳида тарбиялаш, уларнинг маданий, таълим даражасини оширишга кўмаклашиш;

Ўзбекистон ва Польша маданий меросини, поляк тилини, адабиётини, санъатини, фольклор-этнографик жанрини ўрганиш, маданият, илм-фан, халқ ижоди соҳаларида ютуқлар билан таништириш.

2.2. Уставда белгиланган мақсадларни амалга ошириш учун ЎПММ куйидаги вазифаларни бажаради:

Ўз аъзоларининг миллий тарихий-маданий мероси: тил, урф-одатлар ва анъаналарни тиклаш, ўрганиш, сақлаб қолиш ва ривожлантириш бўйича талаб-эҳтиёжларини қондиришга, шунингдек маданият, илм-фан ва шу кабиларнинг энг яхши ютуқларини ҳар томонлама тарғибот қилишга қаратилган фаолият юритади;

давлат органларида ва жамоат ташкилотларида ўз аъзоларининг ҳуқуқлари ва қонуний манфаатларини ҳимоя қилади;

ижтимоий ҳаётнинг турли масалаларига доир ташаббуслар билан чиқиш, зарур ҳолларда давлат ҳокимияти ва бошқарув органларига таклифлар киритади;

миллатлараро алоқаларни ривожлантириш ва мустаҳкамлашга кўмаклашади, Ўзбекистондаги турли элатларнинг миллий-маданий марказлари, Республика байналмилал маданият маркази (РБММ) ҳамда дўстлик жамиятлари билан фаол ҳамкорлик қилади, маданиятларнинг

бир-бирларини бойитишлари ва ўзаро таъсирлари жараёнларига, дўстлик ва толерантликка, халқлар ўртасида ҳамкорликка ўз ҳиссасини қўшади;

ташқи ишлар вазирлиги ва қонун ҳужжатларида белгиланган тегишли ташкилотлар руҳсати билан ҳукуматлараро шартномаларга мувофиқ маданий алмашинувни кенгайтириш ва гуманитар алоқаларни мустаҳкамлаш мақсадида маданият, таълим, спорт соҳаларида Ўзбекистон Республикасининг Польша Республикаси билан, шунингдек бошқа хорижий мамлакатлар билан ҳамкорлигини ривожлантиришга қўмаклашади;

қонун билан тақиқланмаган бошқа фаолиятни амалга оширади.

ЎПММ фаолияти РБММ ва Ўзбекистон Республикасининг таълимни ривожлантириш, спорт, фан ва маданият соҳаларида тегишли вазирликлари ва давлат қўмиталари билан узвий боғлиқликда юритилади.

2.3. ЎПММнинг уставда белгиланган мақсади ва вазифаларини амалга ошириш шакллари ва усуллари:

маданий, таълимга оид, илмий ва спорт тадбирлари, тақдимотлар, семинарлар, конференциялар, танловлар, мусобақалар ва шу кабиларни ташкил этиш ва уларда қатнашиш;

Поляк маданияти, шу жумладан тили, адабиёти, тасвирий ва декоратив-амалий санъати, халқ ижодиёти ва ҳунармандчилиги, шунингдек миллий спорт турлари, миллий таомлар, миллий байрамлар ва анъаналар тарихини ўрганиш бўйича мусиқий ва театрал ижодий студиялар, секциялар, клублар, тўғаракларни ташкил этиш;

бадий ҳаваскорлик, рақс, вокал-инструментал, вокал ва шу каби жамоаларни тузиш;

болалар, ёшлар ва катталарнинг таълими даражасини оширишга, саломатлигини мустаҳкамлашга, тўлақонли дам олишига ва маданий хордиқ чиқаришига қаратилган тадбирларни ташкил қилиш ва уларда қатнашиш;

Поляк миллатининг маданияти, урф-одатлари, анъаналари тарихига тегишли бўлган миллий тилдаги адабиётнинг кутубхона фондиди шакллантириш, ундан меъёрий қоидаларга мувофиқ маданий-маърифий ишларда фойдаланиш;

Поляк маданияти, тили ва тарихининг долзарб муаммолари бўйича фестиваллар, ижодий танловлар, олимпиадалар, маърузаларни, шунингдек бадий кўргазмаларни, поляк маданияти, фани, санъати намояндалари билан учрашувларни, санъат усталари ва бадий ҳаваскорлик жамоалари концертларини ташкил этиш ва ўтказиш;

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига мувофиқ ноширлик фаолият билан шуғулланиш;

бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорлик қилиш ва уларнинг ЎПММ мақсадлари ва вазифаларига мос келадиган тадбирларида қатнашиш;

Ҳайрия тадбирларини ўтказиш ва уларда иштирок этиш, кўп болали оилалар, пенсионерлар, ногиронлар ва бошқа ночор аҳолига ҳар томонлама ёрдам кўрсатиш;

гуманитар фаолиятнинг бошқа шакллари амалга ошириш.

3. ЎПММнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари.

3.1. ЎПММ қуйидаги ҳуқуқларга эга:

Ўз фаолияти тўғрисида ахборот тарқатиш;

Ўз оммавий ахборот воситаларини таъсис этиш ҳамда ноширлик фаолиятини амалга ошириш;

уставда белгиланган вазифаларни амалга ошириш учун ишлаб чиқариш ва хўжалик тузилмаларини тузиш, шунингдек ҳар қандай турдаги кўчар ва кўчмас мулкларга эга бўлиш, уларни ижарага олиш ва ижарага бериш;

Ўз фаолиятида келишув бўйича қонун ҳужжатларига мувофиқ марказ аъзоларининг ва бошқа шахсларнинг мол-мулкларидан фойдаланиш;

ЎПММ қонун ҳужжатларига мувофиқ бошқа ҳуқуқларга ҳам эга бўлади.

3.2. ЎПММ қуйидаги мажбуриятларга эга:

Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатларига қатъий риоя этиш;

Ўз мол-мулки ва пул маблағларидан фойдаланиш тўғрисидаги ахборот билан танишиш эркинлигини таъминлаш;

рўйхатдан ўтказувчи орган ва РБММ вакилларига ўзи ўтказётган тадбирларга эркин кириш имконини бериш;

РБММга, рўйхатдан ўтказувчи, солиқ ва статистика органларига белгиланган тартибда ўз фаолияти тўғрисида ҳисоботлар тақдим этиш;

3.3. ЎПММ тегишли адлия органларида давлат рўйхатидан ўтган ёки ҳисобга қўйиладиган ўз фаолиятида мазкур устав ва алоҳида бўлинма тўғрисидаги Низомга амал қиладиган ЎПММларнинг филиал ва ваколатхоналарини ташкил қилиши мумкин.

3.4. Янгитдан ташкил этиладиган бўлинмалар ЎПММ раиси ёки у ваколат берган бошқа шахс иштироки билан тегишли ҳудудда камида 10 кишидан иборат таркибдаги ташаббускор гуруҳнинг таъсис йиғилиши қарорига асосан қабул қилинган Бошқарув йиғилиши қарори билан тузилади.

3.5. Бўлинмаларни тузиш, қайта ташкил ва тугатиш тўғрисидаги қарор ЎПММ Бошқаруви томонидан ҳар бир ҳолатда яқка тартибда қабул қилинади.

3.6. ЎПММ алоҳида бўлинмалари ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикаси қонун ҳужжатлари, ЎПММ Устави ва алоҳида бўлинма (филиал, ваколатхона) тўғрисидаги Низом асосида амалга оширади.

3.7. ЎПММ алоҳида бўлинмалари тегишли ҳудудда ЎПММнинг ҳуқуқ ва мажбуриятларига ўхшаган ҳуқуқ ва мажбуриятларга эга бўлади. ЎПММ алоҳида бўлинмаларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари, ташкил қилиш, қайта ташкил қилиш ва тугатиш тартиби, мол-мулкни бошқариш борасидаги ҳуқуқ ва мажбуриятлари Бошқарув томонидан тасдиқланган бўлинмалар тўғрисидаги низомда батафсил равишда қайд қилинади.

3.8. Алоҳида бўлинма раҳбари ЎПММ Бошқаруви томонидан тайинланади.

3.9. Алоҳида бўлинма раҳбарига ЎПММ раиси томонидан ишончнома берилади.

Бўлинмалар Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ суд қарорига биноан ёки ЎПММ Бошқаруви қарорига асосан ёхуд конференция қарорига асосан тугатилиши ва қайта ташкил этилиши мумкин.

Бўлинма фаолияти тугатилгандан сўнг унинг мол-мулки ЎПММнинг мол-мулки бўлиб қолади.

4. ЎПММда аъзолик, аъзоларнинг ҳуқуқлари ва мажбуриятлар.

4.1. Поляк маданиятига, тилига, урф-одатларига ва анъаналарига кизиқиш билдираётган, ЎПММ Уставини тан олган, унинг ишида бевосита иштирок этаётган 18 ёшга етган поляк миллатига мансуб Ўзбекистон Республикаси фуқаролари, шунингдек бошқа миллатлар вакиллари ҳамда Ўзбекистонда доимий яшаётган чет эл фуқаролари ва фуқаролиги бўлмаган шахслар ЎПММ аъзолари бўлиши мумкин.

4.2. ЎПММ аъзолигига қабул қилиш ЎПММ Бошқаруви томонидан белгиланган намунадаги тўлдирилган ариза-анкета асосида ЎПММ Бошқаруви қарорига асосан амалга оширилади.

4.3. ЎПММ аъзолари қуйидаги ҳуқуқларга эга:

ЎПММ томонидан ҳамда алоҳида бўлинмалари томонидан ўтказиладиган тадбирларда иштирок этиш;

ЎПММнинг раҳбар органларига сайлаш ва сайланиш;

ваколатига кирадиган масалалар бўйича ЎПММга ва унинг алоҳида бўлинмаларига мурожаат қилиш;

ЎПММ Бошқаруви ва унинг алоҳида бўлинмаларига кўриб чиқиш учун ЎПММ фаолияти бўйича таклифлар ва дастурлар киритиш, уларнинг амалга оширилишида иштирок этиш.

4.4. ЎПММ аъзолари қуйидаги мажбуриятларга эга:

ЎПММнинг муносиб вакиллари бўлиш;

ЎПММ Уставига риоя этиш;

ЎПММ мақсадлари ва вазифаларини амалга оширишдаги фаолиятида фаол иштирок этиш;

ЎПММнинг раҳбар органлари ва унинг алоҳида бўлинмалари раҳбариятининг қарорларини бажариш;

ЎПММ Бошқаруви томонидан белгиланган миқдорда кириш ва аъзолик бадалларни ўз вақтида тўлаш;

ўзининг фаолияти билан ЎПММ нуфузининг ўсишига ва молиявий мустақиллиги мустаҳкамланишига ҳар томонлама кўмаклашиш;

4.5. ЎПММ аъзолари ЎПММ мажбуриятлари бўйича жавоб бермайдилар, шунингдек ЎПММ ҳам ўз аъзолари мажбуриятлари бўйича жавоб бермайди.

4.6. Қуйидаги ҳолларда ЎПММда аъзолик тугатилади:

ихтиёрий чиқиш асосида;

ЎПММ баёнот қиладиган принципларга мос келмайдиган, мазкур Уставга зид келадиган ёки уни бузадиган фаолият амалга оширилганда.

ЎПММ аъзолигидан чиқариш тўғрисида қарор ЎПММ Бошқаруви томонидан қабул қилинади.

4.7. ЎПММнинг фахрий аъзолари.

Поляк миллий маданиятини тиклаш ва оммалаштириш ишида алоҳида хизмат кўрсатган, ўзининг жамоатчилик фаолияти билан танилган ЎПММ аъзолари Бошқарув қарори билан ЎПММнинг фахрий аъзолари бўлиб сайланиши мумкин. ЎПММнинг фахрий аъзоларининг номлари Эсдалик китобига киритиб қўйилади.

5. ЎПММнинг раҳбар органлари.

5.1. ЎПММнинг олий раҳбар органи Конференция ҳисобланади.

Конференцияни ташкил этиш ва ўтказиш учун Конференцияни ўтказишнинг тахминий санасидан камида 1 ой олдин Ташкилий кўмита тузилади. Ташкилий кўмита таркиби ЎПММ Бошқаруви томонидан белгиланади. Ташкилий кўмита вакиллик меъёрларини, Конференцияга аъзолардан делегатларни сайлаш тартибини, Конференцияни ўтказиш таомилини белгилайди, марказ аъзоларига Конференция ўтказилишидан камида 15 кун олдин бу ҳақда хабар берилишини таъминлайди.

5.2. ЎПММ Конференцияси:

уч йилда камида бир марта чақирилади ва Конференция делегатларининг учдан икки қисми ҳозир бўлганда ҳуқуқий ҳисобланади;

ЎПММ фаолиятининг истиқболли йўналишларини ва Уставда белгиланган вазифаларни амалга оширишнинг узоқ муддатли дастурларини тасдиқлайди;

ЎПММнинг ўтган давр учун фаолияти тўғрисидаги ЎПММ Бошқаруви ҳисоботини тинглайди ва тасдиқлайди;

ЎПММ тафтиш комиссияси ҳисоботини тинглайди ва тасдиқлайди;

ЎПММ Бошқаруви ва тафтиш комиссияси аъзоларини уч йил муддатга сайлайди;

кириш ва аъзолик бадалларининг энг кам миқдорини белгилайди;

Уставни тасдиқлайди, унга ўзгартиришлар ва тўлдиришлар киритади;

ЎПММни қайта ташкил этиш ёки тугатиш тўғрисида қарор қабул қилади.

Конференция қарорлари делегатларнинг кўпчилик овози билан қабул қилинади.

Ташкилий кўмита Конференцияга адлия органлари ва РБММ вакиллари таклиф қилиши шарт. ЎПММ раҳбар органлари таркибига фақат ЎПММ аъзолари бўлган Конференция делегатлари сайланиши мумкин.

Конференция ишида ва Бошқарув мажлисларида хорижий давлатлар элчихоналари, хорижий давлатлар ташкилотлари ва идораларининг вакиллари иштирок этиши тақиқланади.

5.3. Навбатдан ташқари ЎПММ Конференциялари ўта зарур ҳолларда Бошқарув ёки тафтиш комиссияси қарорига асосан чақирилади.

5.4. Конференциялар орасида ЎПММни раҳбар органи Раис раҳбарлигидаги ЎПММ Бошқаруви ҳисобланади.

5.5. ЎПММ Бошқаруви Конференция делегатлари орасидан 3 йил муддатга сайланади.

Бошқарув таркибига ЎПММнинг алоҳида бўлинмалари раҳбарлари, шунингдек ЎПММ фаолиятида фаол иштирок этаётган ва унинг Уставида белгиланган вазифаларнинг амалга оширилишига ташкилий ва молиявий жиҳатдан кўмаклашаётган марказ аъзолари сайланади.

Бошқарув мажлислари зарур ҳолларда, лекин чоракда камида бир марта ўтказилади.

Агар Бошқарув мажлисида унинг аъзоларининг ярмидан кўпи иштирок этаётган бўлса, у ҳуқуқий ҳисобланади ҳамда қарорлар оддий кўпчилик овоз билан қабул қилинади. “Тарафдор” ва “қарши” овозлар сони тенг бўлганда, Бошқарув Раисининг овози ҳал қилувчи овоз ҳисобланади.

Бошқарув қарорлари барча ЎПММ аъзолари ва ЎПММ ходимлари томонидан ижро этилиши мажбурийдир.

5.6. ЎПММ Бошқарувининг ваколатлари:

ЎПММнинг Конференция қарорларини ижро этиш бўйича ишини ташкил этади;

ЎПММнинг узоқ муддатли дастурларини тасдиқлайди;

ЎПММ фаолиятининг йиллик режаларини ва уларни амалга ошириш йўллариини ишлаб чиқади ва тасдиқлайди;

ЎПММ Бошқаруви Раисини сайлайди;

зарур ҳолларда турли дастурларни бажариш учун ишчи комиссияларни тузади;

ЎПММ ва унинг бўлинмаларининг мол-мулкини тасарруф қилади;

ЎПММ ва унинг бўлинмаларининг харажатлар сметаси ва штатлар жадвалини тасдиқлайди;

ЎПММ ва унинг алоҳида бўлинмалари иши тўғрисидаги ва ишчи комиссиялари раҳбарларининг ҳисоботларини тинглайди;

ЎПММга аъзоликка қабул қилиш ва аъзоликдан чиқариш масалаларини ҳал қилади;

Конференцияларга тайёргарликни бошқаради, Конференцияни ўтказиш бўйича Ташкилий кўмита тузади.

5.7. ЎПММ Бошқаруви Раиси (ЎПММ Раиси) поляк миллатига мансуб бўлиши (келиб чиқиши поляк эканлигини тасдиқловчи ҳужжатлар тақдим этилади), олий маълумотга эга бўлиши ва судланмаган бўлиши лозим. ЎПММ Бошқаруви Раиси Бошқарув аъзолари таркибидан уч йил муддатга очиқ ёки ёпиқ овоз бериш шаклида ўтказилган оддий кўпчиликнинг овоз бериши йўли билан конференциядан кейинги биринчи ЎПММ Бошқаруви мажлисида сайланади. Раис қоида тариқасида кўпи билан кетма-кет иккита муддатга сайланиши мумкин.

5.8. ЎПММ Бошқаруви раиси ваколатлари:

ЎПММ Бошқаруви фаолиятига раҳбарлик қилади;

бошқарув аъзолари ўртасида вазифаларни тақсимлайди;
давлат, жамоат ва бошқа ташкилотларда, барча даражадаги халқаро,
расмий учрашувлар ва бошқа тадбирларда ЎПММни ифода этади;
банк муассасаларида ҳисоб рақамларини очади, келишувлар,
контрактлар, шартномалар тузади ва ишончномалар беради;
ишончномасиз ЎПММ манфаатларини ифода этади;
ходимларни ишга қабул қилади ва бўшатади, буйруқлар асосида
уларни рағбатлантиради ва жазолайди;
смета доирасида фаол иштирок этган аъзолар ва ходимларни
рағбатлантиради ва мукофотлайди;
молиявий ҳужжатларга биринчи имзо қўйиш ҳуқуқига эга бўлади;
бошқарув аъзолари таркибидан ўз ўринбосарлари ва Бошқарув
котибини тайинлайди ва лавозимдан озод этади;
бошқарув мажлисини чақиради ва уни олиб боради;
ЎПММ бўйича буйруқлар ва фармойишлар чиқаради;
ЎПММ фаолияти бўйича Бошқарув ва Конференция ваколатларига
киритилмаган барча масалаларни ҳал қилади.

ЎПММ Раиси хизмат сафарига кетганда, бетоблигида ва бошқа
ҳолларда раис вазифаларини унинг буйруғига кўра вақтинча Раис
ўринбосарларидан бири бажаради.

ЎПММ Раиси ўз ваколатларини муддатидан аввал топширганда
Бошқарув навбатдан ташқари Конференция чақирилгунга қадар ўз аъзолари
таркибидан Раис в.б.ни тайинлайди.

5.9. Тафтиш комиссияси:

Конференцияда делегатлар таркибидан уч йил муддатга сайланади
ва ўз аъзолари таркибидан тафтиш комиссияси Раисини сайлайди (агар
Конференция томонидан бошқача қарор қабул қилинмаган бўлса);

Бошқарув қарорлари ижро этилишини назорат қилади;

тафтиш комиссияси аъзоси бир вақтнинг ўзида ЎПММнинг бошқа
раҳбар органи таркибига сайланиши мумкин эмас;

молиявий ва моддий воситаларнинг ишлатилиши ва ҳисоби
юрителишининг самарали эканлиги, тўғрилигини текширади, текширувлар
натижалари тўғрисида Конференцияга хабар беради.

6. Пул маблағлари ва бошқа мол-мулкнинг шаклланиши манбалари.

6.1. ЎПММ мол-мулки ва пул маблағлари кириш ва аъзолик
бадалларидан, ихтиёрий молиявий ва мулкий бадаллар ва эҳсонлардан,
кўргазмаларни, маърузаларни, ноширлик, тадбиркорлик фаолиятини амалга
оширишдан келган ва қонун билан тақиқланмаган бошқа тушумлардан
шаклланади. ЎПММ ўзининг Уставида белгиланган фаолиятини моддий
жихатдан таъминлаш мақсадида кўчар ва кўчмас мулк, пул ва бошқа
маблағларга, шу жумладан унинг мулки бўлган алоҳида бўлинмаларнинг

мол-мулки ва воситаларига эгалик қилади ва уларни тасарруф этади.

6.2. ЎПММга тушган пул ва бошқа маблағларнинг алоҳида бўлинмалар ўртасида тақсимланиши миқдори ва тартиби ЎПММ Бошқаруви томонидан белгиланади.

7. ЎПММ Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тартиби.

7.1. ЎПММ Уставига ўзгартиришлар ва қўшимчаларни киритиш Конференция томонидан амалга оширилади.

7.2. Уставга ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритилгач, ЎПММ Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлигида қайта давлат рўйхатидан ўтказилгандан сўнг, Уставга киритилган ўзгартиришлар ва қўшимчалар юридик кучга эга бўлади.

8. ЎПММни тугатиш ёки қайта ташкил этиш тартиби.

8.1. ЎПММ Ўзбекистон Республикасининг амалдаги қонун ҳужжатларига мувофиқ суд ёки Конференция қарорига биноан тугатилиши ёки қайта ташкил этилиши мумкин.

ЎПММни тугатиш (ёки қайта ташкил этиш) тўғрисида қарор ЎПММ Конференциясида башарти делегатлар умумий сонининг камида 2/3 қисми овоз берган бўлса, қабул қилинган ҳисобланади.

ЎПММни тугатиш тўғрисида қарор қабул қилган орган давлат рўйхатига олувчи адлия органи билан келишган ҳолда тугатиш комиссиясини тайинлайди.

ЎПММ фаолияти тугатилгандан сўнг унинг мол-мулки унинг Уставида назарда тутилган мақсадларга йўналтирилади.

**“Светлица Польска” Ўзбекистон поляк
маданий маркази раиси**

Скуридин Олег Станиславович